



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Иноятова Зулфия Хамдамовна

Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълим” факультети,
“Бошланғич таълим педагогикаси” кафедраси катта ўқитувчиси

ПЕДОГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИЖТИМОЙ- ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада муаллиф томонидан замон талаблари асосида таълим-тарбия жараёнининг асосий вазифалари, шунингдек, ўқитувчи дарсда турли педогогик ўйинлардан фойдаланиши лозимлиги, дарсга ижодий ёндашилса ўқувчида кузатувчанлик, хотира диққати кучайиб, дарсда мажбурий билим эгаллаш бўлмай, илмни ихтиёрий қабул қилиш юзага келиши ва ижобий натижага олиб келиши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: замон, талаб, таълим-тарбия, жараён, асосий вазифалар, ўқитувчи, дарс, педогогик ўйинлар, фойдаланиш, ижодий ёндашув, кузатувчанлик, хотира диққати, мажбурий, билим эгаллаш, илм, ижобий натижа.


Замон талаблари асосида таълим-тарбия жараёнининг асосий вазифалари шундан иборатки, ёшлардаги иқтидор ва қобилиятни янада ўстириш, ёшларда илмий изланиш кўникмаларини шакллантириш, қадимий илмий ва маданий меросимизни ўрганиш, умуминсоний кадрятларни эгаллаш, чуқур билим олиш истиқболини ривожлантиришдан иборат.

Шундай экан, ўқитувчи дарсда турли педогогик ўйинлардан фойдаланса, дарсга ижодий ёндашилса ўқувчида кузатувчанлик, хотира диққати кучайиб, дарсда мажбурий билим эгаллаш бўлмай, илмни ихтиёрий қабул қилиш юзага келади ва ижобий натижага олиб келади.

Бунинг учун қуйидаги “Капалак” методини тавсия этамиз. Ушбу таълимий технология исталган мавзунини ўтгандан сўнг мустақамлаш ёки уйга берилган вазифани текшириш мақсадида ташкил қилинади. Бу методни ҳуқуқшунослик фанидаги “Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар” мавзусига тадбиқ қиламиз. “Капалак” методи деб номланилишига сабаб, ушбу дарс усулида олинган билимлар ёзилган қисмлар жамланмаси капалак кўринишнинг эслатади. Бу технологияни амалга ошириш учун бешта А3 форматдаги қоғозлар, турли рангдаги 4 та маркер ручкалари, магнит тугмачалари ва доска керак бўлади.

Ўқитувчи томонидан А3 қоғозидан капалакни тана қисми ва тўртта қанотларининг шакли кесиб олиниб, ўтилган мавзу юзасидан ҳар бир қанотларга битта савол жойлаштирилади. Масалан саволлар қуйидагича бўлиши мумкин: 1. Меҳнат интизоми ҳақида нималар биласиз? 2. Синов муддати ҳақида қандай маълумотларга эгасиз? 3. Меҳнат шартномаси ҳақида нималар биласиз? 4. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларига нималар киради?

“Капалак”нинг қанотларини бирлаштирувчи тана қисмига вертикал ҳолатда “хулоса” сўзи ёзилиб тайёрлаб қўйилади.



Дарс жараёнида “капалак” технологиясининг дастлабки босқичи умумий ўқувчилар сонидан тўртта кичик гуруҳлар шакллантириш билан бошланади. Ҳар бир гуруҳга бир рангли маркер ручка ва битта капалак қаноти қисми тақдим этилади. Ҳар бир гуруҳ ўз гуруҳ сардорини сайлайди ва гуруҳнинг аъзолари капалак қаноти қисмига ёзилган саволга маркер ручка ёрдамида жавоб ёзадилар. Бу жараёнда барча ўқувчи иштирок этиши ва жавоб ёзилаётган “капалак” қаноти қисми бир-бирларига узатиб,

кетма-кет гуруҳ аъзолари ёзган маълумотлар давомидан тўлдирилади. Маълумотлар йиғиндиси гуруҳ сардори томонидан тақдимот қилинади. Барча гуруҳ сардорларининг тақдмоти эшитилгандан сўнг “капалак” қанотлари қисмлари доскада тана қисмига магнит тугмачалари орқали бириктирилади. Натижада рангли маркер ручкаларда ёзилган “капалак” акси пайдо бўлади. “Капалак” қисмларининг бирикмаси яхлит мавзу материални ташкил этиб, гуруҳлар орасидан мавзуга хулоса бериш учун ўқувчи таклиф этилади. Ўқувчи хулосаси тинглангандан кейин кичик гуруҳлар томонидан амалга оширилган натижа баҳоланади. Ўқитувчи хулосаси билан мавзу янада мустаҳкамланади. Ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини шакллантириш мақсадида ўқитувчи томонидан: ”Нима деб ўйлайсиз нима учун дарсни мустаҳкамлашни капалак мисолида амалга оширдик?” – деб савол ўртага ташланади. Ўқувчилар турлича ўз фикрларини билдирадилар. Бир ўқувчи фанлараро боғлиқлик бўлиши учунлигини айтса, бошқаси, бир кунгина яшаса ҳам кўп гулларга кўниб улгурган капалак каби бугунги дарс ҳам кўп ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши учун дейиши мумкин. Ўқитувчи томонидан мантикий мушоҳадага “ўқувчилар сиз билимингизни капалак қанотларига жойланган саволга жавоб ёзиш орқали ифода этдингиз. Сиз қанча кўп билимга эга бўлсангиз капалак қанотларида гўё қанотларни мустаҳкамлигини таъминловчи пайлари кўп бўлиб, бу эса капалакнинг янада баланд ва узок парвоз этишини тامينлаган бўларди. Худди шу каби сиз қанча пухта билимли бўлсангиз баланд муваффақиятларга, ютуқларга, юксак интеллектуал салоҳият ва ахлоқий фазилятларга эришасиз” – дея хулоса ясалади.

Бу технологияда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилияти шакллантирилиб, таълимда дарсга қўйилган талаблардан бири экологик тарбия маданияти ва биология, фалсафа фанлари билан интеграциясини кузатиш мумкин. Ўқувчиларда ҳамкорликда ишлаш, бошқа гуруҳлар томонидан айtilган фикрларни чуқур таҳлил қилиш, табиатни севиш каби хислатлар тарбияланиб боради.

Адабиётлар:

1. Ахмедова, М. Т. (2016). Педагогик компетентлик. Т.: ТДПУ.
2. Ахмедова, М. Т. (2014). Pedagogik konfliktologiya. Т.: TDPU.
3. Ахмедова, М., & Нарметова, Ю. (2022). Neuropedagogika va neyropsixologiya rivojlanib kelayotgan yangi fan sohasi sifatida. Общество и инновации, 3(2), 103-109.
4. Аскарлова, Н. А. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг билиш жараёнларини коррекциялашга доир. 2015. Педагогика журнали, 4.
5. Ахмедова М., Нарметова Ю., Алишеров Б. (2021). Categories человека в конфликте и методы разрешения конфликтов в возникновении конфликтов между медицинским персоналом.
6. Ахмедова, М. Т. (2020). ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ ВО ВНУТРЕННЕЙ И ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКЕ ГОСУДАРСТВА. ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SPECIAL 2-1).
7. Вахрановна, R. M. (2022). BOSHLANG 'ICH TA'LIM MATEMATIKA DARSLARIDA QADRIYATLAR ORQALI O 'QUVCHILARNI MA'NAVIY TARBIYALASH. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(2), 130-135. Tursunaliyevna, A. M., & Karimovna, N. Y. (2022). MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARIDA

MADANIY-GIGIYENIK MALAKALARNI TARBIYALASH–BOLALAR ORGANIZMINING JISMONIY RIVOJLANISHIDA MUHIM VOSITA. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(1), 98-103.

8. Махсудов, В. Г. (2017). Гармоник тебранишларни инновацион технологиялар асосида ўрганиш («Кейс-стади», «Ассесмент», «Венн диаграммаси» мисолида). Современное образование (Узбекистан), (7), 11-16.
9. Махсудов, В. Г. (2022). Аниқ фанларни ўқитишда масалалар ечиш методларидан фойдаланиш алгоритми. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(2), 9-15.
10. Melibaeva, R. (2021). Bolalardagi giperfaollik va diqqat tanqisligi sindromi: sabablari, psixologik tashxisi.
11. Нарметова, Ю. (2014). Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар психологик хусусиятларининг ўзига хослиги.
12. Нурматов, А., & Бекмиров, Т. (2021). Развитие креативности будущего учителя в процессе (Doctoral dissertation, Тошкент).
13. Юлдашевна, Х., & Нарметова, Ю. К. (2022). РОЛЬ РЕЛИГИОЗНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВОСПИТАНИИ ДУХОВНО РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ СРЕДИ ДЕТЕЙ ИНВАЛИДОВ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(4), 114-117.
14. Umarova, S. (2021). Yoshlarda hadislar yordamida sabr toqatlilik hususiyatini shakillantirish.
15. Хольгитова, Н.К. (2019). ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В УНИВЕРСИТЕТЕ. In *МИРОВАЯ НАУКА XXI ВЕКА* (pp. 12-15).
16. Akhmedova, M. T., Narmetova, Y. K., Nurmatova, I. T., & Malikova, D. U. K. (2022). Communicative Competence Formation in Future Teachers Based on an Integrated Approach. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 9(4), 54-60.